

Шайх Мустафо Абу Сулаймон Надвий ҳазратлари Бухорои шарифда



14:27 / 13.09.2024 1770

2024 йил 13 сентябрь куни фазилатли шайх, муҳаддис **Мустафо Абу Сулаймон Надвий** ҳазратлари **Самарқанд** зиёратидан сўнг **Бухоро** шаҳрига етиб келдилар.



Бухоро Марказий Осиёдаги энг кўхна ва номдор шаҳарлардан бири бўлиб, Ўзбекистоннинг жануби-ғарбий қисмида жойлашган, унинг ёши 2500 йилдан ошиб кетган. Бухоро азалдан **«Бухорои шариф»** номи билан улуғланиб келинади. Шаҳар марказининг каттагина қисми меъморий ҳудуд саналиб, унинг асосий қисмини мадрасалар ташкил этади. Унинг **«Қуббатул Ислон»**, яъни **«Ислон гумбази»** деб номлангани ҳам бежиз эмас.

«Бухоро» атамаси тўғрисида қадимги муаррихлар шундай дейишган:

«Бухоро - Мовароуннаҳрдаги машҳур шаҳар бўлиб, унинг маъноси «Илм кўп жой» деганидир». Бу шаҳарда уламо ва фузалолар жуда кўп бўлгани учун ҳам унга шу ном берилган.

Юртимизнинг улуғ меҳмони шайх Мустафо Абу Сулаймон Надвий ҳазратларининг Бухородаги сафарлари Баҳоуддин Нақшбанд ҳазратларининг қабрларини зиёрати билан бошланди. Меҳмонлар зиёрат қилиш жараёнида Баҳоуддин Нақшбанд ҳазратлари ҳақида қисқача тўхталиб ўтдилар. Шунингдек, тасаввуф ва шаръий илмлар фазилатлари

борасида, мазкур илмларга бўлган эҳтиёжимиз ҳақида ҳам сўз юритдилар. Шу билан бирга азиз меҳмонлар Сайид Амир Кулол ҳазратлари, Хожа Муҳаммад Бобо Самосий ҳазратлари ҳамда Хожа Али Ромитаний ҳазратларининг марқадларини ҳам зиёрат қилдилар. Зиёрат сўнгида дуои хайрлар қилинди.

Меҳмонларнинг кейинги сафарлари ҳақидаги янгиликлар билан islom.uz порталининг ижтимоий тармоқлардаги расмий саҳифалари орқали хабардор бўлишингиз мумкин.